

Иймон белгилари



17:11 / 06.06.2017 13543

Иймон – Аллоҳ таоло ҳузурида энг қимматли нарсадир. У Зотнинг марҳаматига эришиш учун, иймонни мукаммал қилишга интиламиз.

Мукаммал иймон ўзи

нима? Пайғамбаримиз алайҳийҳиссалом одамларнинг энг яхшиси бўлганлар. У зотнинг муборак ҳадислари эса ҳақиқий иймонни эътироф этувчи қўлланмадир.

Иймон белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ таолони севиш.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтганлар:

«Иймон лаззатини уч сифатга эга бўлганлар сезади: улар Аллоҳ ва Унинг Расулини б

2. Пайғамбарни севиш.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: «Токи мени отаси, фарзандлари ва бошқалардан ҳам кўпроқ яхши кўрмагунича иймонли бўлмайди».

3. Пайғамбаримиз алайҳиссаломга эргашиш.

Расулуллоҳ алайҳиссалом дедилар: «Менга Аллоҳдан бошқа зотга иймон келтирмасликка, ўғрилик ва зино қилмасликка, фарзандларни ўлдирмасликка, қалбингизда туғилган ёлғонни тарқатмасликка, шариат маъқуллаган амалларга чақирганда бош тортмасликка қасам ичинглар. Ушбу қасамга содиқ бўлганларингизга Аллоҳ таоло марҳамат қилади. Кимки ушбу гуноҳлардан бирини қилса ва бу дунёда жазосини олса, бу жазо унга каффорат бўлади. Агарда кимдир ушбу гуноҳлардан бирини қилса ва Аллоҳ таоло гуноҳини ёпса, унда Аллоҳ таоло уни жазолашни ёки кечиришни Ўзи ҳал қилади».

4. Инсонларга бўлган меҳр.

«Ўзига раво кўрганини биродарига раво кўрмаганларнинг иймони бут бўлмайди». «Иймонингиз бутун бўлмаса, жаннатга кирмайсизлар, иймонингиз эса бир-бирингизга меҳрибон бўлмагунигизча бутун бўлмайди». «Биродаринг ёмон иш қилса, уни оқловчи етмишта сабаб топ. Агар тополмасанг, билгинки, ўзинг айбдорсан».

5. Эзгулик ва яхшилик тилаш.

«Бир инсон Пайғамбаримиз алайҳиссаломга савол берди: «Ислоннинг энг яхши хислати қайси?» Пайғамбаримиз алайҳиссалом жавоб бердилар: «Энг яхшиси, инсонларни меҳмон қилиш (таом улашиш) ва самимий кутиб олиш».

6. Ўзгаларнинг фаровонлиги тўғрисида қайғуриш.

«Мусулмон ўзгаларга тили ва қўллари билан зарар бермайдиган инсондир».

7. Иймонни сақлаш.

«Ҳалол билан ҳаром аниқ қилинган, уларнинг ўртасида эса кўпчилик учун маълум бўлмаган шубҳалар туради. Шубҳалардан ўзини сақлайдиган инсоннинг тақвоси ва шаъни мусаффо бўлади. Шубҳалардан қўрқмайдиган инсон эса подасини муҳофаза қилинаётган жойда боқаётган чўпонга ўхшайди».

8. Андиша. «Ибо ва ҳаё иймондандир!»

9. Поклик. «Поклик - иймоннинг ярмидир».